

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРТИКОВ ДИЛМУРОД РАХМАТИЛЛАЕВИЧ**

**ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС  
ДЕБ ТОПИШ ТҮГРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ  
МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ.  
Молия ва божхона хукуки

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy  
(PhD)**

**Артиков Дилмурод Рахматиллаевич**

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб  
топиш тўғрисидаги ишларни судда қўришнинг  
маъмурий-хуқуқий жиҳатлари.....3

**Artikov Dilmurod Rakhmatillayevich**

Administrative Legal Aspects of Court Proceedings of  
Invalidating Departmental Normative Legal Act.....25

**Артиков Дилмурод Рахматиллаевич**

Административно-правовые аспекты рассмотрения  
судами дел о признании ведомственного  
нормативно-правового акта недействительным.....43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works.....48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРТИКОВ ДИЛМУРОД РАХМАТИЛЛАЕВИЧ**

**ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС  
ДЕБ ТОПИШ ТҮГРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ  
МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ.  
Молия ва божхона хукуки

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Yu108 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нематов Жўрабек Нематиллоевич,**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Отахонов Фозилжон Хайдарович,**  
юридик фанлар доктори, профессор  
в.б.

**Хожиев Эркин Туйғунович,**  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар  
олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 15 январь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-үй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (946-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-үй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» декбрда тарқатилди.

(2020 йил «30» декабрдаги 10-ракамли реестр баённомаси).

**Р.Р.Хакимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**И.Р.Беков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

**М.А.Ахмедшаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда суд томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб боришда маъмурий суд иш юритувига оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, бу орқали ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда таъминлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг самарали механизмларини жорий қилиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ижро ҳокимияти фаолияти суд томонидан назорат қилиш Ҳалқаро суд лойихаси (World Justice Project) доирасида баҳолашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, ушбу лойиҳа доирасида ҳар йили 128 та давлатнинг ушбу ҳуқуқ индекси бўйича рейтинги эълон қилиб борилади<sup>1</sup>. Айниқса, сўнгги йилларда давлатлар томонидан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қилувчи қонуности хужжатлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини олдини олишда суд назорати институтидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳонда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, низолашувчи тарафларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлат бошқарув органларининг норма ижодкорлиги устидан суд назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан Конституция ва қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган қонуности хужжатлар устидан суд назоратини амалга оширишнинг процессуал асослари, мазкур жараёндаги иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, далиллар тасниfinи аниқлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият қасб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳокимиятнинг мустақил тармоғига айлантириш, уни ихтисослаштириш, жумладан мамлакатимиз тарихида янги ташкил этилган маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш, суд томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш масалалари бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш»<sup>2</sup> суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекси (2018), Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуни (2012), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар

<sup>1</sup> The World Justice Project Rule of Law Index® 2020 // [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5185-сон (2017), «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сон (2020), «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5997-сон (2020) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича судда иш кўриш масалалари миллий олимларимиз томонидан кам тадқиқ қилинган. Мавжуд таҳлиллар асосан умумий ёндашувга асосланган.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Ахмедشاева, Б.Абдуллаев, Ш.Бердияров, Г.Мирзаева, Ў.Муҳамедов, Ф.Отахонов, Х.Одилқориев, А.Сайдов, И.Тультеев, Ш.Файзиев, М.Хусанова, О.Хусанов, Р.Хакимов, Х.Хайитов, Э.Халилов, Ш.Яқубов, А.Хошимхонов томонидан норма ижодкорлигининг илмий-назарий асослари тадқиқ қилинган. И.Хамедов, Л.Хван, Э.Хожиев, F.Хакимов И.Цай томонидан маъмурий суд иш юритувининг айrim жиҳатлари, О.Файзиев эса идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни хуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи ва Ж.Нематов томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатни суд томонидан текширилишининг айrim жиҳатлари борасида изланишлар олиб борилган<sup>3</sup>.

Хорижий мамлакатларда суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширилишининг айrim жиҳатлари В.Тейлор, Л.Девид, Е.Роберт, К.Ичиҳаши, Т.Жироу, К.Кэнжи, М.Цутому, С.Тошифуми, Ҳ.Ито, Т.Южиро, Ш.Хироши, У.Нобушигэ, С.Кеико, Ҳ.Хироюки каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса, МДҲ мамлакатларида С.Никитин, М.Носенко, Ю.Тихомиров, М.Треушников, Ю.Попова, М.Фокина, В.Кирсанов, О.Еремина, А.Козлов, О.Бек, В.Ярков, С.Бошно ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Шунга қарамасдан, идоравий норматив-хуқуқий хужжатни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш масаласи маъмурий хуқуқ нуқтаи назаридан, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил қиласи ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш нуқтаи назаридан монографик тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>4</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017–2021 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида идоравий норматив-хуқуқий хужжатни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топишнинг маъмурий-хуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

идоравий норматив-хуқуқий хужжат тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда идоравий норматив-хуқуқий хужжатни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топишнинг қонунчилик асосларини ўрганиш;

Ўзбекистонда идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни адолатли ва самарали ташкил этиш мақсадида бу турдаги ишларни судда кўриш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

хорижий мамлакатларда идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал жиҳатларини мамлакатимиз қонунчилиги билан солиширган ҳолда ўрганиш ва ижобий хусусиятларни мамлакатимиз қонунчилигига жорий этиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиша фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган, жумладан, судга тааллуқлилик, тарафлар, қонунийликни текшириш доираси, ҳал қилув қарори билан боғлиқ илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** Ўзбекистон Республикасида идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар юзасидан судларда ишларни кўриш билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда идоравий норматив-хуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни хуқуқий тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб бориша илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-хуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш, идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни

ҳақиқий эмас деб топишга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиб чиқиши усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар Адлия вазирлигига мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши зарурлиги асосланган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларда жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йифимларни белгилайдиган, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутадиган, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларнинг киритилиши мумкин эмаслиги асослаб берилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг индивидуал характердаги буйруқлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал характердаги қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тааллуқли эмаслиги асослаб берилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда суд томонидан Адлия вазирлигидан далил сифатида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни хуқуқий экспертизадан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва давлат реестрига идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги ҳақида киритилган маълумотни талаб қилиб олиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқлилигини такомиллаштириш бўйича амалдаги қонунчиликка таклиф ишлаб чиқилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишда мурожаат қилувчи субъектлар доирасини кенгайтириш, суд томонидан текшириладиган далиллар рўйхати, жумладан, идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тақдим этиладиган далилларни аниқлаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишда номуайян шахслар томонидан жамоавий шикоят қилиш тартиби жорий этиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда ҳал қилув қарорининг холоса қисмида қарорни эълон қилиш ва нашр этиш тартибини кўрсатиб ўтиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ва иш юритишни

тутатишнинг алоҳида процессуал қоидаларини белгилаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

«Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари хорижий ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди, ижтимоий сўров ўтказилди, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ҳамда олинган хulosса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хulosалар, таклиф ва тавсиялардан маъмурий ҳуқуқ соҳасида тадқиқот ишларини олиб боришда, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Маъмурий суд иш юритуви» каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади ҳамда унинг натижаларидан соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, судлар томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш самарадорлигини ошириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги 484-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони)»ги қарори иловасининг 1-банд «а» кичик бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Респубблакаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 12/20-18-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда фуқаролар ва юридик шахслар ҳукуқларини бузадиган қоидалар бўлишини олдини олишга хизмат қилган;

идоравий норматив-хуқуқий хужжатларда жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилайдиган, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутадиган, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган хуқуқий нормаларнинг киритилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги 484-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони)»ги қарори иловасининг 1-банд «б» кичик бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Респубблакаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 12/20-18-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши идоравий норматив-хуқуқий хужжатларга қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилайдиган ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган хуқуқий нормалар киритилиши тақиқланишига хизмат қилган;

идоравий норматив-хуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиша Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг индивидуал характердаги буйруқлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал характердаги қарорларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқлиги Олий судга тааллуқли эмаслиги бўйича таклиф «Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш» номли услубий кўлланманинг 2-параграф 3-хатбошини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 12 октябрдаги 11-54-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Олий судга тааллуқли бўлган ишларни белгилашга хизмат қилган;

идоравий норматив-хуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда суд томонидан Адлия вазирлигидан далил сифатида идоравий норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва давлат реестрига идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги ҳақида киритилган маълумотни талаб қилиб олиш мумкинлиги ҳақидаги таклиф «Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш» номли услубий кўлланманинг 2-параграф 9-хатбошини ишлаб чиқиша фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 12 октябрдаги 11-54-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Адлия вазирлигининг жавобгар

сифатида жалб қилинганда тақдим этиши лозим бўлган далиллар доирасини белгилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида аprobациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 12 та мақола (11 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий-тадқиқот иши кириш, 9 параграфдан иборат бўлган уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усувлари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, аprobацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши хақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг илмий-назарий таҳлили**» деб номланиб, унда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат ва суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари, идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш қонунчилигининг ривожланиш босқичлари каби масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат тушунчасини таҳлил қилишда кўплаб олимларнинг (М.Ахмедшаева, Х.Одилқориев, Э.Халилов, Ў.Мухамедов, Ж.Нематов, О.Файзиев, Э.Хожиев, Ю.Тихомиров, Н.Коркунов, С.Бошно, А.Лобашев, А.Савостин, Ю.Старилов, П.Кононов, Л.Хофманн, Р.Коммерсиан) фикрларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат тушунчасига қўйидаги муаллифлик таърифи берилган:

«Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат бу вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан ташки субъектларга қаратилган, ҳокимият ваколати доирасида қабул қилинадиган, оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, номуайян шахслар (гурухи) учун муайян хуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришга қаратилган, ўзидан юқори юридик кучга эга норматив-

хукуқий хужжатларга асосланган ҳолда ва уларни ижро этиш учун қабул қилинган умум мажбурий расмий хужжатдир».

Тадқиқотчи томонидан «Маъмурий ҳуқуқ» фани бўйича ўқув адабиётларида идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни ўрганиш маъмурий қонунчилик билан боғлаб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқлиги асослантириб берилган. Идоравий норматив-хуқуқий хужжат тушунчаси АҚШ, Буюк Британия ва Япониядаги маъмурий қонунчилик асосида ўрганилиб таҳлил қилинган. Жумладан, Буюк Британияда идоравий норматив-хуқуқий хужжатларга ўхшаш бўлган delegated legislation (делегация қилинган қонунчилик), АҚШда «legislative rules» мавжуд бўлиб, қонунчиликда қуи ёки иккинчи даражали қонунчилик сифатида ҳам танилган.

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг норматив-хуқуқий хужжатнинг бошқа турлари, маъмурий хужжат ва маъмурий инструкциядан фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатга оид амалдаги қонунчиликни таҳлил қилган ҳолда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 2<sup>1</sup>-бандини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Диссертант суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини кўплаб олимлар (C.Brettschneider, A.Street, С.Никитин, Т.Паршина, Э.Замотаева, Н.Ярошенко, О.Бек, И.Витрук, С.Загаинова, В.Ржевский, Н.М.Чепурнова) фикрлари асосида таҳлил қилиб, миллий қонунчилик асосида ёритиб берган. Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш тушунчасига қуидагича муаллифлик таърифи берган:

«Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш бу – суд назоратининг бир кўриниши ҳисобланиб, судга манфаатдор жисмоний ва юридик шахс томонидан тегишли ариза (шикоят) бериш орқали идоравий норматив-хуқуқий хужжат ёки унинг айrim қисмлари билан бузилаётган ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклашни кўзлаб маъмурий суд иш юритуви доирасида амалга ошириладиган суд фаолиятидир».

Тадқиқотчи томонидан миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари таҳлил қилинган. Жумладан, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишнинг шаклига кўра, бевосита ва билвосита турларига бўлиб, улар юзасидан муаллифлик таърифлари берилган.

Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ислоҳ қилиниши мезонига кўра уч ривожланиш босқич, яъни биринчи босқич (собиқ совет давридан мустақиллик давригача), иккинчи босқич (Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда-МСИЮтК) қабул қилингунга қадар), учинчи босқич (2018 йилдан бугунги кунга қадар)га бўлиш мумкинлиги асослантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича судда иш юритишнинг айрим процесдуал жиҳатлари»** деб номланиб, судга тааллуқлилик, суд ишларини юритишдаги тарафлар, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш доирасида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш масалалари таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклифлар илгари сурилган.

Диссидентант судга тааллуқлилик масаласини таҳлил қилишда Германия, Россия, Озарбайжон ва Арманистон тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судига тааллуқли ишлар ўртасида фарқларни ажратиб берган. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тааллуқли эканлиги, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги текширилмаслиги асослантириб берилган. Буни идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ижросини таъминлаш учун эмас, балки қонун ҳужжатида кўрсатилган нормаларни аниқлаштириш ва унинг ижросини таъминлаш учун қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни Конституцияга мувофиқлигини текширмаслиги билан асослантирилган. Ўз навбатида, хорижий мамлакатлар маъмурий суд иш юритуви қонунчилигига норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни Конституцияга мувофиқлиги текширилмаслиги билан исботлаб берилган. Таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб, МСИЮтКнинг 179-моддасига ўзгартириш киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган. Шунингдек, идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқлилиги тушунчасига қўйидагича муаллифлик таърифи берилган:

«Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқлилиги деганда, вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан қабул қилинган, оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва номуайян шахслар (гурухи) учун муайян хуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришга қаратилган ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида фуқаро ёки юридик шахс томонидан берилган ариза (шикоят) бўйича ишни маъмурий суд иш юритуви доирасида кўриб чиқиш тушунилади».

Идоравий норматив-хуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда тарафлар доираси миллий қонунчилик ва хорижий мамлакатлар (Россия, Арманистон ва Озарбайжон) тажрибаси асосида таҳлил қилинган. Мазкур тоифадаги ишларда номуайян доирадаги шахслар гурӯҳи томонидан жамоавий ариза бериш тартибини жорий этиш, давлат органи ва прокурорнинг судга мурожаат қилиш хуқуқини белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ишга жавобгар сифатида жалб қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиша идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш доирасида суд амалиётини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилган. Жумладан, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиш таркибида идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қўлламаслик хуқуқидан фойдаланиши мумкин эмаслиги таклиф этилган. Мазкур таклиф Япония ва Россия маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги асосида асослантириб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш, суднинг ҳал қилув қарори ва ишларни судда кўришнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартлари, далиллар, суднинг ҳал қилув қарори мазмуни ва мазкур тоифадаги ишларни судда кўришнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағищланган.

Мазкур боб доирасида суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартлари доирасида олиб борилган тадқиқотлар (К.Ичиҳаши, Ж.Томлинсон, К.Шеридан, Ю.Тихомиров, О.Ерамина, С.Никитин, В.Кирсанов, Ю.Попова, О.Файзиев)ни ва Япония, Россия давлатлари тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, қонунийликни текширишнинг шаклий, ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) ва маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлиги каби шартларга ажратиш лозимлиги асослаб берилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларни хуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Диссидентант томонидан далиллар доирасини таҳлил қилишда идоравий норматив-хуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф берилган. Жумладан, идоравий норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси, хужжатни қабул қилган органнинг юридик хизмати хulosаси, хужжатни

қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати, хужжат лойиҳасини келишиш тўғрисидаги маълумот, хужжатни қабул қилган коллегиал орган йиғилишининг баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиладиган қабул қилган органнинг кузатув хати, ҳуқуқий экспертизадан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва эксперт хulosаси, хужжатнинг давлат реестрига рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда хужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот, давлат реестрига хужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги ҳақида киритилган маълумот, хужжат юзасидан низолашиш тўғрисида суд ишларини юритишида экспертларнинг хulosалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг қўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларидан далил сифатида фойдаланиши мумкинлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар натижаси бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, ҳал қилув қарори хulosса қисмида суд ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) тартибини қўрсатиш лозимлиги асослантирилган. Суднинг ҳал қилув қарори хulosса қисмида ушбу тартибни қўрсатиб ўтиш идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол кучга кириши нуқтаи назаридан ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида исботлаб берилган. Ўз навбатида, агар идоравий норматив-ҳуқуқий хужжат ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, суд ҳал қилув қарори хulosса қисмида суд томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни қабул қилган органга суд ҳал қилув қарорини расмий босма нашрда эълон қилининиши лозимлиги, агар расмий босма нашр ўз фаолиятини тўхтатган бўлса, суд ҳал қилув қарори ёки унинг қабул қилинганлиги тўғрисида хабар бошқа босма нашрда эълон қилиш ва хужжатни юқори юридик кучга эга бўлган қонун хужжатига мувофиқлаштириш ва бу ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичida хабар қилиш мажбуриятини юклаш лозимлиги таҳлил қилинган. Шу нуқтаи назардан, МСИЮтКнинг 182-моддасига ўзргартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, тадқиқотчи томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари таҳлил қилиниб, мазкур масала суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни тақрорловчи бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатга суд ҳал қилув қарорининг таъсири нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Бугунги кунда МСИЮтКда ушбу тартибот назарда тутилмаганлигидан келиб чиқиб, МСИЮтКга қўшимча 183<sup>1</sup>-модда (Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари) киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки ҳимоя чораларини кўриш масаласи таҳлил қилиниб, МСИЮтКда белгиланган умумий асослардаги дастлабки ҳимоя чораларини идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларга татбиқ этиб бўлмаслиги асослантирилган. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, мазкур тоифадаги иш доирасида алоҳида тартибда дастлабки ҳимоя чораларини кўриш кераклиги асослантириб берилган. МСИЮтКга қўшимча 180<sup>1</sup>-модда (Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича дастлабки ҳимоя чоралари) киритиш таклифи берилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни тугатиш асослари таҳлил қилинган бўлиб, МСИЮтКнинг 108-моддасида белгиланган умумий асослардан ташқари алоҳида асосларни белгилаш лозимлиги асослантирилган. Жумладан, низолашаётган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг таъсири аризачининг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига даҳл қилиш тўхтаса, ҳужжат бекор қилинса ёки ўзгартирилса ва судга мурожаат қилган шахс ўз талабидан воз кечса ва суд томонидан буни қабул қилишга тўқсинглик қиласидан жамоат манфаатлари бўлмаса, иш юритишни тугатиш лозимлиги бўйича таклиф берилган.

Диссертант идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилган ҳолда, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, ўкув жараёни ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалаларини ҳам таҳлил қилган.

Тадқиқотчи томонидан Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви кодекси 21-боби, Озарбайжон Маъмурий процессуал кодексининг 15-боби, Украина Маъмурий процессуал кодексининг 11-боби ва бошқа давлатларнинг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатдан ташқари бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан ҳам низолашиш мавжудлигидан келиб чиқиб, келгусида Ўзбекистонда ҳам қонун ости ҳужжатлар, жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив характердаги қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий суд иш юритувининг алоҳида процессуал тартибини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланган.

Тадқиқот иши доирасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, «*Сиз идоравий норматив-хуқуқий ҳужжжат(вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қарор ва буйруқ тарзида қабул қилинадиган умум мажбурий ҳужжжат)ни суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш тартиботидан хабардормисиз?*» деган саволга сўровномада қатнашган респондентларнинг қарийб 60 %и «йўқ» деб жавоб берганлиги сабабли, фуқаролар ўртасида мазкур тартиботни кенг тушунтириш учун буклетлар, видеороликлар қилиш ва тарғибот ишларини олиб бориш муҳим эканлиги асослантирилган.

Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари сифатида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигини такомиллаштириш, судьялар учун идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг процессуал хусусиятларини ўрганишга қаратилган маҳсус курс ташкил этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ва хуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар илгари сурилди:

### I. Илмий-назарий хулосалар

1. Идоравий норматив-хуқуқий хужжат тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди:

Идоравий норматив-хуқуқий хужжат бу вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан ташқи субъектларга қаратилган, ҳокимият ваколати доирасида қабул қилинадиган, оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, номуайян шахслар (гурухи) учун муайян хуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришга қаратилган, ўзидан юқори юридик кучга эга норматив-хуқуқий хужжатларга асосланган ҳолда ва уларни ижро этиш учун қабул қилинган умум мажбурий расмий хужжатdir.

2. Норматив-хуқуқий хужжатга хос бўлган умумий белгилардан ташқари фақат идоравий норматив-хуқуқий хужжатга хос бўлган белгилар аниқланди. Жумладан, идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлиги суд томонидан текширилиши ва натижасига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши, оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан қабул қилиниши, уни қабул қилишнинг маълум маънодаги ўзига хос тартиб-таомили ҳам мавжуд.

3. Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш тартиб-таомили қонун билан ўрнатилиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилди.

4. Ўзбекистонда суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишнинг текшириш воситасида амалдаги қонун хужжати ўз кучини йўқотишида ифодаланадиган норма ижодкорлигига боғлиқлиги, судларнинг норматив-хуқуқий хужжатларни текшириш бўйича ҳаракатининг бир кўриниши ва маъмурий одил судлов фаолияти каби хусусиятлари мавжудлиги асослаб берилди.

5. Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини бериш таклиф этилди:

Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлиги текшириш бу – суд назоратининг бир кўриниши ҳисобланиб, судга манфаатдор жисмоний ва юридик шахс томонидан тегишли ариза (шикоят) бериш орқали идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат ёки унинг айrim қисмлари билан бузилаётган ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклашни кўзлаб маъмурий суд иш юритуви доирасида амалга ошириладиган суд фаолиятидир.

6. Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш шаклига кўра, бевосита ва билвосита турларга бўлиб ўрганиш таклиф этилиб, унга қуидагича муаллифлик таърифлари берилди:

Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини бевосита текшириш деганда, манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс ташаббусига кўра маъмурий суд иш юритуви тартибида бевосита идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш талабига кўра низолашилаётган ҳужжатнинг қонунийлигини суд томонидан текшириш тушунилади;

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текширишнинг билвосита шакли деганда, манфаатдор шахс (жисмоний ва юридик шахс, прокурор ёки қонунда назарда тутилган бошқа давлат органлари) ташаббусига кўра устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айrim қисмларини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)ни кўриб чиқиш жараёнида тегишли идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний бўлганда, суднинг мазкур ғайриқонуний ҳужжатни тўлиқ ёки қисман қўлламаслиги тушунилади.

7. Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ислоҳ қилиниши мезонига кўра уч ривожланиш босқич, яъни биринчи босқич (собиқ совет давридан мустақиллик давригача), иккинчи босқич (Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилингунга қадар), учинчи босқич (2018 йилдан бугунги кунга қадар)га бўлиш мумкинлиги асослантирилди.

8. Ўзбекистонда фуқаро ёки юридик шахснинг идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи 2018 йилда биринчи марта жорий қилинганлиги илмий жиҳатдан асослантирилди.

9. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқлилиги деганда, вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан қабул қилинган, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва номуайян шахслар (гурухи) учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришга қаратилган ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида фуқаро ёки юридик шахс

томонидан берилган ариза (шикоят) бўйича ишни маъмурий суд иш юритуви доирасида кўриб чиқиш тушунилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг индивидуал характердаги буйруқлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал характердаги қарорларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқлиги Олий судга тааллуқли эмаслиги асослаб берилди.

11. Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартларини уч шаклга, жумладан, шаклий қонунийлик, ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик ва маъмурий ихтиёрийлик (дискремион ваколат)ни қўллаш қонунийлигига бўлиш таклиф этилди.

## **II. Норматив-хуқуқий хужжатларни таомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:**

